my.gov.uz

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва
уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги.

№ 5745-2865-8f10-b6cd-9a99-2705-6927
Ҳужжат яратилинган сана: 2023-12-29
Ариза рақами: 105267430

Ҳужжат берилган: "INTER ACTIVE-TEAMS"
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT
СТИР: 306458556

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент шахар Қурилиш бош бошқармаси
Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши ишчи органининг
2023-12-29 даги 105267430 -сонли

ХУЛОСАСИ

т/р	Тақдим этиладиган маълумотлар	
1.	Ариза рақами:	105267430
2.	Мурожаат этувчи Лойиҳа ташкилотининг номи:	“INTER ACTIVE-TEAMS” МЧЖ
3.	Лойиҳа-смета хужжатларининг буюртмачиси номи:	“O`ZBEKTELEKOM” AKSIYADORLIK JAMIYATI
4.	Объект манзили:	Олмазор тумани, Қорақамиш 1-кўчаси, 21-уй
5.	Лойиҳа-смета хужжатларининг номланиши:	Olmazor tumanidagi 229 EATS binosini “112 Yagona qo’ng’iroqlar markazi” sifatida rekonstruksiya qilish va hududda bir qavatli bino qurish.
6.	Архитектура-режалаштириш топшириғининг реквизитлари:	1726-1726280-95841

Лойихани кўриб чиқиш натижаси

т/р	Категория	Натижа	Изох
1.	Сўровноманинг тўғри тўлдирилганлиги:	Ижобий	
2.	Объект бош режасининг ечими тўғри топилганлиги:	Ижобий	
3.	Объектнинг меъморий ечими тўғри топилганлиги:	Ижобий	
4.	Лойиҳада автотураргоҳ масаласи ҳал этилганлиги:	Ижобий	
5.	Қурилиш чизиғига амал қилинганлиги:	Ижобий	
6.	Ситуацион планда аниқ кўрсатилганлиги:	Ижобий	

7.	Ёнғин ҳавфсизлиги ва санитария талабларига амал қилинганлиги:	Ижобий	
8.	Лойиҳада имконияти чекланган шаҳсларинг манфаатлари ҳисобга олинганлиги:	Ижобий	
9.	Лойиҳада энергиясамарадорлик талабларига амал қилинганлиги:	Ижобий	
10.	Лойиҳа ташкилоти лицензия орқали рухсат берилган соҳа доирасидан ташқари объектнинг лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги:	Ижобий	
11.	АРТ талабларидан четга чиқиш:	Ижобий	

Алоқадор ташкилотларнинг хулосалари:

Ҳудудий ёнғинга қарши назорат хизмати: Келишилган;
Қўшимча маълумотлар: Қайта Олмазор тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрел кунидаги “Архитектура ва қурилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 200-сонли қарорининг 4-маъмурий регламентига асосан Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича ўтказилган ўрганиш Хулосаси; 23/26-2321 “ 07 ” декабрь 2023 йил "INTER ACTIVE-TEAMS" МЧЖ рахбарига Олмазор тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими, Сизнинг ЯИДХМга 07.12.2023 йил кунидаги № 105267430-сонли аризангизга асосан "INTER ACTIVE-TEAMS" МЧЖ лойиҳа ташкилоти томонидан, "O`ZBEKTELEKOM" АЖ га тегишли бўлган Қорақамиш 1-кўчаси 21-уйда жойлашган манзилда 229-сонли ЭАТС ҳудудида “112 ягона қўнғироқлар маркази бино иншоатлар” қуриш сифатида ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларининг архитектурага оид қисмини ўрганиб чиқилиб қурилишга тадбиқ этилишига эътироз билдирилмайди. Шунингдек, объект қурилиши бўйича ишлаб чиқилиши режалаштирилган ишчи лойиҳаларни республикада амалда бўлган шаҳарсозлик соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган ёнғинга қарши талабларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши лозимлиги маълум қилинади. Ёнғин ва фавқулодда вазиятларни олдини олишга қаратилган республикада амалда бўлган шаҳарсозлик соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган ёнғинга қарши талабларни бажарилмаган тақдирда, ушбу хулоса ўз кучини йўқотиб жавобгарлик лойиха ташкилотини зиммасида қолади. Бўлим бошлиғи Ш.Н.Ибрагимов Ижрочи: Ж.Г.Пўлатов Телефон: (71)228-46-66;

Ҳудудий санитария-эпидемиология хизмати: Келишилган;
Қўшимча маълумотлар: Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qumitasining Toshkent shahar Olmazor tuman bo‘limi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022 yil 20 apreldagi “Qurilish sohasiga oid yagona ma’muriy qurilish reglamentlarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 200-son qarorining 4-ilovasi “Loyiha-smeta hujjatlarini kelishish bo‘yicha Davlat xizmatlari ko‘rsatishning ma’muriy reglamenti”ga asosan, 03-11b/368-sonli “07” dekabr 2023 yil " Inter active-teams" MChJga Olmazor tumani sanitariya epidemiologik osoyishtaligi va jamoat samatligi qumitasi bo‘limi tomonidan, Sizning YaIDXMga 07.12.2023 yil kunidagi № 105267430-sonli arizangizga asosan “Inter active-teams" MChJ loyiha tashkiloti tomonidan Olmazor tumani 246 EATS manzilida joylashgan "246 EATS binosini 112 Yagona gongiroqlar markazi sifatida reconstruciya qilish, hududda bir qavqtli bino qurush” yuzasidan ishlab chiqilgan dastlabki eskiz loyihasi o‘rganilib, loyixa xujjatlarida O‘zbekiston Respublikasi Sogliqni Saqlash Vazirligi tomonidan tasdiqlangan 0350-17 “Sanitarnie normы i pravila po oxrane atmasfernogo vozdsuxa naselennых mest Respubliki Uzbekistan”talabi ko‘rilishi:-ShNQ 2.07.01-03* “Shaharsozlik” hujjatning 1-ilovaning (majburiy) №1-jadvali va 44-jadvali talablariga asosan ajratilayotgan xududda qurilishi mo‘ljallangan bino qo‘shni xududlarda mavjud bo‘lgan turar va noturar joy binolari bilan oraliq masofalarni saqlanishini; - SanQM 0339-16 O‘zbekiston Respublikasining axoli punktlari xududlarini rivojlantirish

talablari bo‘yicha ko‘p qavatli ofis va ma’muriy bino ob’ektlarini 5 sinfga mansub bo‘lib, mavjud 2-4 qavatli bo‘lgan turar joy binolaridan 25-30 metrdan, 9 qavatli binolar uzun tamonlari o‘rtasidagi masofa 40 metrdan va ushbu binolarning uzun tamonlari xamda yashash xonalarida derazalari bo‘lgan yon tamonlari uchun 15 metrdan kam bo‘lmagan masofa joylashtirilishi, insolyatsiya me’yorlari ta’minlanishi belgilangan. Qurilish ishlari amalga oshirilishidan avval ShNQ 2.07.01-03 “Shaxarsozlik” 26,1 bandiga ko‘ra ko‘shnilardan rozilik xati olinishi. avtoturargox xamda maishiy chikindilarni tashlash joyini gen planda kursatish.Qurilish ishlari rejalashtirilgan xududi bo‘yicha bosh tarhi va ishchi loyiha hujjatlari ishlab chiqilgandan so‘ng, qurilish ishlari boshlanmasdan oldinlotla o‘rganib chiqish uchun taqdim etilishi tavsiya etiladi. O‘rnatilgan tartibda me’yoriy xujjatlarga amal qilingan xolda tegishli vakolatli tashkilotlar tomonidan xujjatlar qonunda belgilangan tartibda rasmiylashtirilishi uchun Toshkent shahar Arxitektura va qurilish bosh boshqarmasining “Shaharsozlik Kengashi”ga taqdim etish uchun berilgan bo‘lib, qurilish ishlarini boshlashga asos bo‘la olmaydi. Yuqoridagi ShNQ 2.07.01-03* “Shaharsozlik”,SanQM 0409-14-16,SanQM 0350-17” hujjatning talablari buzilgan taqdirda ushbu xulosa o‘z kuchini yo‘qatadi. Javoboogarlik loyixachi tashkilot zimmasiga yuklatiladi. SEO va JSX Olmazor tuman bo‘limi boshlig‘i F.I.Xadjaeva, ijr. G.Zubaydullaeva;

Бош архитектор: O`zbekiston Respublikasi Qurilish Vazirligi;





Маъқулланди:

1. Хулоса берувчиларнинг ва техник хулосасида кўрсатилган талабларни бажариш, дарахтларни сақлаб қолиш, қўшнилар билан келишиш, мухандислик тармоғидан химоя масофаси сақлаш, қурилиш ва қизил чизиқ линияларини инобатга олиш шарти билан лойиҳа ишларини давом эттириш белгиланди.

2. Лойиҳалаш жараёнида АРТ ва рухсатномада кўрсатилган талабларни бажариш ҳамда ШНК 2.07.01-03*нинг 183 банди 19 иловаси шарти бажарилиши белгиланди.

Қуйидаги талаб ва шартлар белгиланди: Лойиҳада келишиб берилган барча бино ва иншоотларда тунги ёритиш тизимини ўрнатиш талаби белгилансин ва ушбу талаб лойихада кўрсатиб ўтилсин.

Кенгаш аъзолари томонидан юқорида кўриб чиқилган лойихалар юзасидан ШНҚ асосида хар бир берилган талаб ва шартлар тегишлилиги бўйича назоратга олиш ва ушбу ишлар амалга оширилмагунга қадар Тошкент шахар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги сохасида назорат қилиш инспекцияси бино фойдаланишга қабул қилинмаслиги назоратга олсин.

"Худудий электр тармоқлари" АЖнинг Тошкент шахар филиали, "Hudud gaz poytaxt" газ таъминоти филиали, Тошкент шахар "Сув таъминоти" МЧЖ директорлари хар лойихани аниқ хисоб китобларга таянган холда юкламалар яратиш шартларини аниқ белгилаб берсин. Белгиланган меъёрлардан ошиқча юкламаларда ишлаётганхудудларда коммуникация тармоқларига уланишга йўл қўймасин.

Экология, атроф-мухитни мухофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг Тошкент шахар бошқармаси хар бир худудни ўрганиб, юқоридаги хар бир лойихалар учун иқлим шароитига мос бўлган айланаси 18 смдан, баланлиги 3 метрдан кам бўлмаган дарахтлар, 6 литрдан кам бўлмаган буталар экилишини назорат қилсин. Лойиҳалаш жараёнида атроф муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёнот лойиҳаси (ЗВОС) олиш шарти белгилансин.

Лойихада мухандислик тармоқларининг юкламалари инобатга олган холда техник шартлар олиш ва ушбу техник шартлар талабларини бажариш хамда уларга туташ худудларнинг қўкаламзорлаштириш (дарахтлар, буталар, бошқа ўсимликлар ва навнихолларни экиш) майдонлари лойиха учун ажратиладиган ер участкалари умумий майдонинг 25 фоизидан кам бўлишига йўл қўйилмаслик талаби белгилансин.

Юқоридаги кўрсатилган талаблар бажарилмаган тақдирда ва ер майдонидан чиқиб кетган холда лойиҳа хужжатлари ишлаб чиқилган холат аниқланган тақдирда хулосалар бекор қилиниши ва ушбу холатга маъсул лойиҳа ташкилоти эканлиги белгилаб қўйилсин.

Лойиҳа ташкилотлари томонидан лойиҳалаштирилаётган биноларда углеводородлар ва электр энергияси истеъмолини камайтириш мақсадида, энергия тежамкор қурилиш материалларидан фойдаланиш, иссиқ сув таъминоти, ёритиш ва бивалент иситиш тизими учун фотоэлектрик тизимлар, гелиоколлекторлар ва иссиқлик насосларини ўрнатиш, мухандислик тармоқларини хам инобатга олинсин.

Ушбу хулосалар қурилиш ишларини олиб борилишига асос бўлмаслигини ва хулоса талаблари тўлиқ бажарилмаган тақдирда берилган хулосалар ўз кучини йўқотиши ҳақида огохлантирилсин.

Лойиҳаларни кўриб чиқиш натижаси бўйича мутасадди бошқармалар ўз йўналиши бўйича маъсул эканлиги белгилаб қўйилсин.

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси бўлиб, давлат органлари томонидан ушбу ҳужжатни қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади. Ҳужжат ҳақиқийлигини repo.gov.uz веб-сайтида ҳужжатнинг ноёб рақамини киритиб ёки мобил телефон ёрдамида QR- кодни сканер қилиш орқали текшириш мумкин.

6756